

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"**

**№ ВМ-343-53407-3.20**

**"1" июль 2003 й.**

**"ТАСДИҚЛАНДИ"**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус**

**таълим вазирлиги**

---

**"8" июль 2003 й.**

**КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС  
ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ  
фанидан  
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"**

**таълим соҳасидаги 5340700 - "Банк иши"**

**бакалаврият йўналиши учун**

**Тошкент - 2003**

**Тузувчилар:** доц. Жўраев А.,  
к.ўқ Маматов Б.,  
к.ўқ Носиров Э.

**Тақризчилар:** проф. Ғозибеков Д. Ғ.,  
доц. Каримов Н. Ғ.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида тан олинган. Шу боис мазкур дастур ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради.

Дастур кичик ва ўрта бизнес инвестиция лойиҳаларини кредитлаш жараёнларини ўз ичига олган бўлиб, "Банк иши" йўналишидаги бакалаврларга мўлжалланган. Мазкур дастурда асосий эътибор кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги аҳамияти, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашларини ишлаб чиқиш, кредитга лаёқатлилиқ таҳлили, мазкур соҳани қисқа ва узок муддатли кредитлаш, инвестиция лойиҳаларини Халқаро молия институтлари кредит линиялари орқали молиялаштириш, бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш ва фоиз сиёсати кабиларга катта эътибор берилган.

Развития малого и среднего бизнеса является одним из приоритетных направлений экономической политики Республики Узбекистан.

Программа предусмотрена для бакалавров по направлению "Банковское дело" и включает процессы кредитования инвестиционных проектов малого и среднего бизнеса. В этой программе особое внимание уделяется значению малого и среднего бизнеса в экономике, разработке технико-экономических обоснований проектов малого и среднего бизнеса, анализ кредитоспособности, краткосрочного и долгосрочного кредитования, финансирование инвестиционных проектов за счет средств международных финансовых институтов и внебюджетных фондов, а также процентная политика.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услугий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## **1. СЎЗ БОШИ**

Бозор иқтисодиётини ривожлантиришда кичик ва ўрта бизнес муҳим ўрин эгаллаб, у аҳолини иш билан банд этиши, бозорларни товарлар билан тўлдириши, бозор ўзгаришларига тез мослаша олиши ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши билан ажралиб туради. Бу, эсаўз навбатида, уларни кредитлаш даражаси билан бевосита боғлиқ.

### **Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши**

"Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлаш" фанининг асосий мақсади кичик ва ўрта бизнес инвестиция лойиҳаларини кредитлаш йўналиши бўйича иқтисодчиларга, келгуси банк ходимларига инвестицияларни кредитлаш асосларини ва кредитлаш жараёнларини ўргатиш ҳисобланади. Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда мазкур фаннинг асосий вазифаси банкларда кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлашни ташкил этиш шарт-шароитларини, лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослашларини ишлаб чиқиш тартибларини, турли хил манбалар ҳисобига кредитлашнинг ўзига хос хусусиятларини, кредитлаштириш асосларини ўзлаштиришни, шунингдек, уларни қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлаш жараёнларини, кредитлаш тартиби ва механизмини ўргатиш ҳисобланади.

Мазкур фан "Инвестиция лойиҳаларни молиялаштириш ва уларнинг мониторинги", "Лойиҳа-смета иши ва инвестиция лойиҳаларининг экспертизаси", "Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш", "Инвестиция лойиҳалари таҳлили" каби фанлар билан бевосита боғлиқдир.

### **Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларга талаблар**

Мазкур фанни ўрганиш жараёнида талабалар тегишли билимга, ўқув ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

Талабалар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда инвестиция соҳасига оид қонунчилик, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва кредитлаш тартибидаги ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим.

"Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлаш" ўқув фани бўйича қўйиладиган талаблар қуйидагича:

- кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлаш асослари ва тамойилларини;
- ўтиш шароитида кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлаш механизмини;
- кичик ва ўрта бизнес корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги ва уларни аниқлаш йўллари;

- кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда хорижий кредитларнинг аҳамиятини;
- кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлашни расмийлаштириш жараёнини;
- бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш жараёнини;
- кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлашда фоиз сиёсати ва уни ҳисоблаш усулларини.

Талабалар мазкур ўқув фани бўйича юқорида кўрсатиб ўтилганларни билиши лозим. Шунингдек, улар компьютерлардан, ахборот воситаларидан ва бошқа замонавий технологиялардан фойдаланиш асосларини ўргатувчи фанларни ҳам пухта ўзлаштиришлари керак.

*Ўқитиш жараёнида назарий билим билан амалиётни солиштириш усулларини, талабаларнинг мустақиллигини таъминловчи ўқув жараёнини, билим ва илмга бўлган қизиқишини ташиқил қилиш билан бирга уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиб бериш керак.*

#### **Амалий машғулотлар бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар**

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзулари юзасидан бакалавр тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, рефератлар ҳамда мустақил ишлар тайёрлайди ва амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтадилар. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволлар бўйича талабаларнинг дарс жараёнини тўлиқ ўзлаштиришларини белгилаб беради.

#### **Аудитория машғулоти турларининг соатлари ҳажми (% да) бўйича тавсиялар**

Фаннинг умумий соатлари ҳажми 54 соат белгиланган. Шундан 18 (33,3) соат (33,3) маъруза, 18 соат (33,3%) амалий машғулот, 18 (33,3) соат мустақил таълим соатларига ажратилган.

Ўқув жараёнида режага мувофиқ олдин маъруза, кейин амалий машғулот ўтказилади. Ўтилган мавзулар бўйича талабаларнинг мустақил ўрганиши учун алоҳида мавзулар бўйича уй вазифалари берилади. Талабаларнинг олган билимларини аниқлашнинг оғзаки ёки ёзма усуллари қўлланилади.

#### **Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори**

Ушбу фан бўйича талабаларнинг ўзлаштириш даражаси ўқув рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш асосида аниқланади.

Фанни ўқитишнинг ҳар бир семестрида икки маротаба жорий (семинар машғулотларида), икки маротаба оралиқ (маъруза машғулотларида) ва бир маротаба якуний баҳолаш (ёзма иш усулида) амалга оширилади. Агар фан бир неча семестр ўқитилиши кўзда тутилса, олдинги семестрлар нихоясида якуний баҳолаш оғзаки ёки тест усулида амалга оширилиши мумкин, охириги семестрда эса якуний баҳолаш фақат ёзма иш усулида амалга оширилади.

### **Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш**

Куйидагилар "Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлаш" фанини ўқитишнинг компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларининг таркибий қисмлари ҳисобланади:

- ўқув мақсадлари ва вазифалар каталогини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига кўчириш;
- тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан, слайд, компьютер дастурларидан фойдаланиш;
- режалаштирилган мақсадларнинг бажарилишини баҳолаш.

Талабаларга замонавий усулда фанни ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш, ҳамда олган билимини мустақил равишда баҳолаши учун куйидагиларни бажариш лозим:

- талабаларни олдиндан тарқатма материаллар билан таъминлашга эришиш;
- талабаларни ўз билимини ўзи баҳолайдиган шароитни яратиб бериш;
- талабаларнинг билимини таянч иборалари асосида баҳолашни жорий қилиш;
- талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш ва ҳ.к.

Бу фанни ўқитишда инвестиция ва уни кредитлаш билан бевосита боғлиқ бўлган қонунлар, ҳукумат қарорлари, низомлар ва инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг компьютер дастурларидан, янги компьютер технологияларидан, тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

## **Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар**

Мазкур фан "Банк иши" бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга иккинчи семестрда ўтилиши мўлжалланган. Бу фанни ўқитишда инвестиция фаолиятига тегишли қонунлар, ҳукумат қарорлари, инвестиция лойиҳаларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек компьютер дастурларидан, сайдлардан фойдаланиш лозим.

"Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлаш" фани маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўргатилади. Талабаларнинг ўқув жараёнида аудиторияда олган билимлари рейтинг усулида ўқитувчилар ҳамда белгиланган ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланади.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

**"Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлаш" фани бўйича ўқиладиган маърузалар мавзулари**

**Фаннинг предмети ва мазмуни. Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлашнинг аҳамияти ва объектив зарурияти**

"Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлаш" фанининг предмети ва вазифалари. Фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Кичик ва ўрта бизнеснинг Ўзбекистон иқтисодиётида тугган ўрни. Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлашнинг моҳияти ва ҳозирги кундаги аҳамияти. *Кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари.* Кичик ва ўрта бизнес фаолиятининг ҳозирги кундаги муоммалари ва уларни ҳал этиш йўллари.

**Кичик ва ўрта бизнес инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш босқичлари**

Инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш. Инвестиция лойиҳаларининг бизнес-режа ва техник-иқтисодий асослашларини ишлаб чиқиш. *Инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш.*

**Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг кредитга лаёқатлилиги ва уларни аниқлаш йўллари**

Кредитга лаёқатлилик тушунчаси. Кредитга лаёқатлилик кўрсаткичлари ва уларга таъсир этувчи омиллар. *Мижозларнинг кредитга лаёқатлилиги бўйича синфларга бўлиш ва корхона рейтингини аниқлаш.*

## **Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини узоқ муддатли кредитлаш**

Узоқ муддатли кредитлар моҳияти. Узоқ муддатли кредитлар олиш учун бизнес-режа ёки техник-иқтисодий асослашларини ишлаб чиқиш. Узоқ муддатли кредит олиш учун талаб қилинадиган бошқа ҳужжатлар ва уларга қисқача тавсиф. Мижознинг молиявий ҳисоблари таҳлили. Узоқ муддатли кредитларни расмийлаштириш. Кредит шартномаси ва унинг кредит муносабатларида тутган ўрни.

### **Кичик ва ўрта бизнес инвестиция лойиҳаларини халқаро молия институтлари (ЕТТБ, ОТБ, ХМИ, КФВ, АҚШ Эксимбанки, Япония Эксимбанки, Италия банки) кредит линиялари орқали молиялаштириш**

Халқаро молия институтларнинг кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги фаолияти. ХМИ кредитларининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдаги аҳамияти. Халқаро молия институтларининг кичик ва ўрта бизнесни кредитлашдаги мезонлари.

### **Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш (Бизнес-фонд, ДФХ уюшмаси, Бандлик фонди)**

Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлашнинг аҳамияти. Тижорат банкларида бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линияларини кўриб чиқиш ва очиш. Тижорат банкларида кичик ва ўрта бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан кредитлар беришни расмийлаштириш жараёни. Кредитдан самарали фойдаланиш мониторинги ва уларнинг ҳисоб-китоби.

## **Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлашда фоиз сиёсати**

Ссуда фоизини аниқловчи омиллар. Фоиз ставкаларини ҳисоблаш усуллари. Фоиз ставкаларини аниқлашда хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш.

## **3. АМАЛИЙ (СЕМИНАР) МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАВЗУЛАРИ**

### **Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлашнинг аҳамияти ва объектив зарурияти**

Кичик ва ўрта бизнеснинг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни\*. Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлашнинг моҳияти ва ҳозирги кундаги аҳамияти\*. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий

асослари. Кичик ва ўрта бизнес фаолиятининг ҳозирги кундаги муоммалари ва уларни ҳал этиш йўллари.

### **Кичик ва ўрта бизнес инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш босқичлари**

Инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш. Инвестиция лойиҳаларининг бизнес-режа ва техник-иқтисодий асослашларини ишлаб чиқиш\*. Инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш.

### **Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини ва уларни аниқлаш йўллари**

Кредитга лаёқатлилик тушунчаси. Кредитга лаёқатлилик кўрсаткичлари ва уларга таъсир этувчи омиллар\*. Мижозларни кредитга лаёқатлилиги бўйича синфларга бўлиш ва корхона рейтингини аниқлаш.

### **Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини қисқа муддатли кредитлаш**

Тадбиркорларга таклиф қилинадиган кредитларнинг турлари. Қисқа муддатли кредитларни кредитлаш шартлари\*. Ссуда счётларининг турлари. Банк ссудаларини таъминлаш турлари. Кредит уюшмалари фаолияти.

### **Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини узоқ муддатли кредитлаш**

Узоқ муддатли кредитлар моҳияти. Узоқ муддатли кредитлар олиш учун бизнес-режа ёки техник-иқтисодий асослашларни ишлаб чиқиш\*. Узоқ муддатли кредит олиш учун талаб қилинадиган бошқа ҳужжатлар ва уларга қисқача тавсиф. Мижознинг молиявий ҳисоблари таҳлили. Узоқ муддатли кредитларни расмийлаштириш. Кредит шартномаси ва унинг кредит муносабатларида тутган ўрни.

### **Кичик ва ўрта бизнес инвестиция лойиҳаларини халқаро молия институтлари (ЕТТБ, ОТБ, ХМИ, КФВ, АҚШ Эксимбанки, Япония Эксимбанки, Италия банки) кредит линиялари орқали молиялаштириш**

Халқаро молия институтларнинг кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги фаолияти. ХМИ кредитларининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдаги аҳамияти\*. Халқаро молия институтларининг кичик ва ўрта бизнесни кредитлашдаги мезонлари.

### **Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш (Бизнес-фонд, ДФХ уюшмаси, Бандлик фонди)**



Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлашнинг аҳамияти. Тижорат банкларида бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линияларини кўриб чиқиш ва очиш\*. Тижорат банкларида кичик ва ўрта бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан кредитлар беришни расмийлаштириш жараёни. Кредитдан самарали фойдаланиш мониторинги ва уларнинг ҳисоб-китоби.

#### **Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлашда фоиз сиёсати**

Ссуда фоизини аниқловчи омиллар. Фоиз ставкаларини ҳисоблаш усуллари\*. Фоиз ставкаларини аниқлашда хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш.

#### **4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА- НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ**

Ўқув жараёнини ташкил этишда мавзуларни кўрагазмали воситалардан, слайдлар, диапроектор ва жадваллардан фойдаланиш асосида ўрганиш кўзда тутилган. Айрим аниқ масалаларни ўрганишда шахсий компьютерлардан фойдаланиш тавсия этилади.

"Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлаш" фанини ўрганишда талабалар амалий ёрдам тариқасида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш тартибини ўрганиш бўйича чизмалар, слайдлар билан таъминланади.

Талабалар "Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлаш" фанини ўрганишда турли ахборот воситаларидан, шу жумладан Интернет тизимидан ҳам кенг фойдаланишлари мумкин.

Унда қуйидаги сайд ва электрон почталардан фойдаланишлари мумкин:

1. <http://www.optionetics.com/>
2. <http://invest-faq.com/>
3. <http://www.oakinv.com/>
4. <http://www.hondurasinfo.hn/>
5. <http://farmbill.farmbill.unl.edu/>
6. <http://www.eagleinvsys.com/>
7. <http://www.Apexvc.com>
8. <http://www.wisebuy.co.uk/>
9. <http://subscribe.ru>
10. <http://www.bimk.kiev.ua>
11. <http://tininfo.bigural.ru>
12. <http://www.bashkortostan.ru>

13. <http://vuirute.iessl.ru>

Шунингдек, Бизнес-фонд ва бошқа бюджетдан ташқари фондлар, Хорижий инвестициялар бўйича Агентлик, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва бошқа тижорат банклари, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, "Кафолат", "Мадад" ва бошқа бир қанча суғурта компанияларининг амалий материалларидан ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент Молия институтида тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мультимедик иловалардан фойдаланиш тавсия этилади.

## 5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

*Мазкур фан бўйича ўқув режасида жами 54 соат белгиланган бўлиб, шундан 18 соат (33,3%) маъруза ва 18 соат (33,3%) амалий машғулотга ажратилган, 18 соат (33,3%) мустақил таълим соатларига ажратилган.*

Талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади; жорий баҳолаш, оралик баҳолаш ва якуний баҳолаш. Жорий ва оралик баҳолаш турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70 фоизи, якуний баҳолаш эса 30 фоизи миқдорида белгиланган.

"Кичиква ўртабизнесинвестициялариникредитлаш" фанидан талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 36 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 12,6 балл, оралик баҳолашга 12,6, якуний баҳолашга эса 10,8 балл ажратилади. Жорий ва оралик баҳолаш турларига белгиланган баллар мезонлар асосида қўйилади:

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмали қуролларни тайёрлаши.

Таянч тушунчаларга асосланган "ёзма иш" усулини ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида "ёзма иш" усулини татбиқ этиш бўйича Намунавий Низом" билан белгиланади.

## 6. АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида" ги Қонуни, (1998. 24 декабрь). Халқ сўзи, 1999. 12 январ. 7-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуни, (1998. 30 апрель). Халқ сўзи, 1999 й. 12 январь. 7-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонун. (1998. 30 апрель). Солиқ ва божхона хабарлари, 1998 й. 22-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, (1997. 31 январь). Солиқ ва божхона хабарлари, 1997 й. 6-12 январ. 7-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, Халқ сўзи. 2000 й. 21 март.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори. Тошкент окшоми. 2001 й. 24 август. 99-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори. (2001. 10 сентябрь). Мулкдор, 2001 й. 14-20 сентябр. 37-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни учун хорижий кредитлар беришни ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги қарори, (1997. 7 февраль), Солиқ ва божхона хабарлари, 1997 й. 6-12 январ. 7-сон.
9. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
10. Каримов И. А. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида". - Т.: Ўзбекистон, 1995.
11. Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда

- иктисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2003 й. 18 февраль.
12. Ангелиди М.С. Организация кредитного процесса в коммерческих банках. – Т., 1996.
  13. Абдуллаева Ш. З. Банк рисклари ва кредитлаш. –Т.: Молия, 2002.
  14. Абдуллаев Ё.А., Шоҳаъзамий Ш.Ш. Қимматли қоғозлар: 100 савол ва жавоб. -Т.: Меҳнат, 1997.
  15. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. 100 савол-жавоб. (1-қисм). – Т.: Меҳнат, 2000.
  16. Абдуллаев Ё, Бобоқулов Т. Кредит. 100 савол-жавоб. - Т.: Меҳнат, 1996.
  17. Анализ инвестиционных проектов: Учебное пособие. М. И. Ангелиди., Н. Г. Каримов. –Т.: Ташк. фин. ин-т, 2000.
  18. Банковские операции, Часть-2, Учетно-ссудные операции и агентские услуги банков, Под ред. О. И. Лаврушина, - М.: ИНФРА-М., 1996.
  19. Бусигын А. В. Предпринимательство, начальный курс, - М.: НИРП, 1992.
  20. Бусигын А. В. Предпринимательство. Основной курс: Учеб. для вузов. – М.: ИНФРА-М, 1997.
  21. Бизнес-план инвестиционного проекта: Отечественный и зарубежный опыт. Современная практика и документация: Учеб. пос. – 5-е изд., перераб. и дополн. / Под ред. В.М.Попова. – М.: Финансы и статистика, 2002.
  22. Богатин Ю. В., Швандар В. А Инвестиционный анализ. Учеб. пос. для вузов – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.
  23. Бочарев В. В., Попова Р. Г. Финансово-кредитный механизм регулирования инвестиционной деятельности предприятий. Учеб. пос. – С-Пб.: УЭФ, 1993.
  24. Бочарев В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. –М.: Финансы и статистика, 1998.
  25. Бозор иктисодиёти назарияси ва амалиёти, -Т.: Ўқитувчи, 2000.
  26. Беренц В., Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций: Пер. с англ. перераб. и дополн. – М.: ИНФРА-М, 1995.
  27. Банковское дело и финансирование инвестиций – том I 1-2 часть, том II. 1-2 часть, ИЭР, Всемирный банк. Под редакцией Н. Брука, 1995.
  28. Богатырев А. Г. Инвестиционное право. – М.: Росс. право, 1992.
  29. Бутиков И. Л. Қимматли қоғозлар бозори. Дарслик. – Т.: Консаудитинформ, 2001.
  30. Ваҳобов А. В., Иброҳимов А. Т. Молиявий таҳлил. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002.
  31. Шоҳаъзамий Ш.Ш. и др. Предприниматель на рынке ценных бумаг: Вопросы и ответы. -Т.: Адолат, 2002.

32. Шоҳаъзамий Ш.Ш. ва бошқалар Тадбиркор қимматли қоғозлар бозорида: Саволлар ва жавоблар. -Т.: Адолат, 2002.

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Васильев Н. М., Катырин С. Н. Лепе Л. Н. Лизинг как механизм развития инвестиций и предпринимательства. - М.: ДЕКА, 1999.
2. Вахрин П. И. Инвестиции: Учебник. – М.: Дашков и К, 2002.
3. Волков И.М., Грачева М.В. Проектный анализ: Учебник для вузов. – М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1998.
4. Гулямов С. С., Догиль Л. Ф., Семенов Б. Д. Предпринимательство и малый бизнес. – Т.: ТГЭУ. 1996.
5. Золотогоров В. Г. Инвестиционное проектирование: Учеб. пособие. – М.: Экопреспектива, 1998.
6. Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини кредитлаш /А. Т.Узоқов, Э. И. Носиров, М. А. Султанов. – Т.: Тошкент Молия институти, 2001.
7. Лапуста М.Г., Старостин Ю.Л., Малое предпринимательство - М.: ИНФРА-М, 1997.
8. Основы предпринимательской деятельности: Экономическая теория: Учеб. пособие / Под ред. В. М. Власовой. – М.: Финансы и статистика, 2002.
9. Пиндайк Роберт С., Рубинфельд Дэниел Л. Микроэкономика: Пер. с англ. – 2-е изд. – М.: Дело, 2001.

Рыночное преобразование и развитие предпринимательства: Сборник научных трудов / Ред.колл.: И. Л. Бутыков, Р. И. Беркинов, Р.И.Яушев – Т.: Консаудитинформ, 2002.